

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

GUVOHNOMA



Yuridik shaxs

"XALQARO HAMKORLIK MARKAZI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"XALQARO HAMKORLIK MARKAZI" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

203 348 018

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

01.08.2000

Sana

001184-10

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

TOSHKENT SHAHRI, YUNUSOBOD TUMANI, A.TEMUR SHOX KO'CHASI, 107B-UY

Tomonidan berilgan:

YUNUSOBOD TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

1256597



«Халқаро Ҳамкорлик Маркази» АЖ
акциядорларининг 2023 йил 30 июндаги
йиллик умумий йиғилиши қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИ АКСИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

УСТАВИ

(ЯНГИ ТАҲРИР)

Тошкент – 2023 йил

I. ЖАМИЯТНИНГ НОМЛАНИШИ, ЮРИДИК МАҚОМИ, ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ

1.1. «Халқаро Ҳамкорлик Маркази» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 апрелдаги 156 – сонли «Халқаро савдо – кўргазма комплексининг бизнес – маркази биносидан фойдаланиш масалалари тўғрисида»ги Қарорига, Давлат мулки кўмитасининг 2000 йил 19 июндаги 36 – II сонли буйруғига ва 2000 йил 20 июндаги Таъсис шартномасига мувофиқ ташкил топган.

1.2. Жамият Акциядорлик жамияти шаклидаги «Xalqaro Hamkorlik Markazi» компаниясининг ва унинг барча молиявий ҳуқуқ ва мажбуриятлари буйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади ва фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

1.3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлари, ушбу Устав ва Жамият бошқарув органларининг қарорлари асосида амалга оширади.

1.4. Жамиятнинг номланиши:

Жамиятнинг тўлиқ расмий номи:

- ўзбек тилида (лотин алифбосида) – «Xalqaro Hamkorlik Markazi» aksiyadorlik jamiyati;
- ўзбек тилида (кирилл алифбосида) – «Халқаро Ҳамкорлик Маркази» акциядорлик жамияти;
- рус тилида – Акционерное общество «Международный Бизнес Центр»
- инглиз тилида – Joint – Stock Company «International Business Centre»

Жамиятнинг қисқартирилган расмий номи:

- ўзбек тилида (лотин алифбосида) – «Xalqaro Hamkorlik Markazi» AJ;
- ўзбек тилида (кирилл алифбосида) – «Халқаро Ҳамкорлик Маркази» АЖ;
- рус тилида – АО «Международный Бизнес Центр»
- инглиз тилида – JSC «International Business Centre»

1.5. Жамият юридик шахс бўлиб, ўзининг мустақил балансига ва ҳисоб рақамига эга. Жамият ҳисоб – китобларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ўз ишларини (хизматларини) сотиш жойларида, шу жумладан Жамиятнинг хўжалик фаолияти амалга ошириладиган давлатлар ҳудудида жойлашган банкларда ва бошқа кредит муассасаларида валюта ва бошқа ҳисоб рақамларни очиши мумкин.

1.6. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (муҳрда кўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штамп, бланкаларига, товар белгисига ва ўз тимсолига эга.

1.7. Жамият ўз мажбуриятлари буйича ўзига тегишли бўлган барча мулки билан жавоб беради. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади. Жамият ўз акциядорлари мажбуриятлари буйича жавобгар эмасдир.

1.8. Давлат ва унинг органлари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.9. Жамиятнинг мол – мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол – мулклардан ташкил топади.

1.10. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс ҳуқуқини олган шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Тобе хўжалик жамияти ўз мулкида жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлишга ҳақли эмас.

1.11. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

1.12. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида янги шуъба корхоналар, филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномсида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида шуъба корхоналар, филиаллар ташкил этилиши ва ваколатхоналар очилиши, ушбу шуъба корхона, филиал ва ваколатхона жойлашган мамлакат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

1.13. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, Жамиятнинг Кузатув кенгаши тасдиқлаган Низомлар асосида иш кўради.

1.14. Жамият ўзининг юридик манзилдан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосий фаолиятни амалга оширмайдиган маъмурий офисларини ташкил этишга ҳақли.

1.15. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

1.16. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга тузилган.

1.17. Жамиятнинг почта манзили: **Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107 Б уй.**

1.18. Жамиятнинг электрон почта манзили – info@ibc.uz, жамиятнинг веб-сайти www.ibc.uz.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА СОҲАСИ

2.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молия – хўжалик фаолиятидан фойда олишдир. Жамиятнинг асосий даромадлари офис ва бошқа бино – иншоатларни ижарага бериш, протокол тадбирларини ўтказиш, транспорт хизматларини кўрсатиш, дивиденд, хўжалик фаолияти натижалари бўйича даромадлардан ва қонун билан таъқиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобидан ташкил топади.

2.2. Жамиятнинг асосий мақсадлари:

- Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, илмий – техник ва ижтимоий ривожланишига, республика билан хорижий давлатларнинг ишбилармон ва молиявий доиралари ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишига ўзининг тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш фаолиятини, кредит – молия сиёсатини амалга ошириш йўли билан кўмаклашиш;
- республикада аккредитациядан ўтган хорижий фирмалар, компаниялар, банк ва бошқа хорижий ва халқаро ташкилот ҳамда тузилмаларнинг юқори даражадаги самарали фаолияти учун қулай ва халқаро стандартларга мос келувчи шарт – шароитларни яратиш;
- акциядорлар манфаатлари учун ўз хўжалик фаолиятини амалга ошириш йўли билан, шунингдек, Жамиятнинг молиявий назорати ва мувофиқлаштирувчи мустақил хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи ўзининг филиаллари, ваколатхоналари, шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари ва бошқа корхоналари шу жумладан, Жамият иштирокидаги қўшма корхоналар фаолиятдан фойда олиш.

2.3. Жамиятнинг асосий мақсадларига эришиш учун қуйидаги фаолият ва хизмат кўрсатиш турларини амалга оширади:

- хорижий компания ваколатхоналарини, фирма, қўшма корхона ва банкларни, бошқа чет эллик ва халқаро ташкилот тузилмаларни ҳамда жисмоний шахсларни (Ўзбекистон Республикаси ва чет эл фуқаролари) жойлаштириш учун хоналар, бинолар, иншоатлар ва ускуналарни ижарага бериш;
- ишлаб чиқариш, тижорат, ноширлик фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш ҳамда турли хизматлар кўрсатиш;
- ташқи иқтисодий, ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида халқаро, тематик ва ихтисослашган кўргазмалар, ярмаркалар, аукционлар, тақдирот маросимлари, семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш, ўтказиш ва уларда иштирок этиш;
 - Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг корхона ва ташкилотларига ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш;
 - маҳаллий ва хорижий юридик ва жисмоний шахсларга воситачилик, консалтинг, лизинг, маркетинг, молия, қонунчиликка мувофиқ фоизли ва фоизсиз қарзлар бериш, дистрибьюторлик, агентлик, дилерлик, хизматларини кўрсатиш;
 - ўзининг хусусий ёки ижарага олинган майдонларида товар ва хизматлар савдосини, шу жумладан фирма савдосини нақд ва нақдсиз ҳисоб – китоб асосида ташкил қилиш;
 - Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида қонун томонидан рухсат берилган ҳар қандай тижорат операцияларини, шу жумладан, лизинг операцияларини молиялаштиришни ташкил қилиш ва унда иштирок этиш, шунингдек, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш ва тижорат тузилмалари ҳамда жисмоний шахслар билан биргаликда ҳар қандай молия – траст (ишониб топшириладиган), ишлаб чиқариш – тижорат, факторинг, холдинг операцияларида улуш қўшиш асосида иштирок этиш;
 - умумий овқатланиш объектлари (ресторанлар, кафетерийлар, барлар, буфетлар ва бошқалар) фирма дўконлари ва киоскалари тармоқлари, спорт – соғломлаштириш мажмуалари фаолиятини ўзининг ҳамда ижарага олинган базаларида ташкил қилиш ва амалга ошириш;
 - корхоналар, ташкилотлар, хорижий фирмалар ва жисмоний шахсларга ўз тасарруфидаги, ижарага олинган ва шахсий транспорт воситалари билан транспорт хизматларини кўрсатиш, шунингдек, транспорт воситаларини ижарага бериш (шу жумладан лизинг ва ижара шартномаларига асосан) ҳамда ўз тасарруфидаги ёки ижарага олинган базаларида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш.
 - Ўзбекистон Республикасига (хорижий давлатларга) иш юзасидан ва хусусий ташриф билан келаётган хорижий шахсларга (чет элга бораётган ўзбекистонлик фуқароларга) хизматлар мажмуини кўрсатиш (шу жумладан, кутиб олиш ва кузатиш, меҳмонхонадаги жойларни, транспортни, авиа ва темир йул чипталарини брон қилиш, визага доир ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш, музокаралар уюштириш ва ҳоказо);
 - ўзининг қимматбаҳо кўчар ва кўчмас мулк, шунингдек бошқа моддий ва номоддий активлари билан турли операцияларни амалга ошириш;
 - меҳмонхоналар, туристик ва дам олиш ҳудудларини ташкил этиш, авиакасса, интернет – провайдер хизматлар мажмуини кўрсатиш;
 - халқаро меҳмонхоналар андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналар қуриш, қайта қуриш ва ундан фойдаланиш;
 - Ўзбекистон Республикасида бўлганидек, хорижда ҳам жисмоний ва юридик шахсларга ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш ва ҳайрия ёрдамини кўрсатиш;
 - ишлаб чиқариш, тижорат, матбаа, полиграфия (ташриф қоғозлари, буклетлар, плакатлар, журналлар, календарлар, даврий нашрлар, ўқув қўлланмалари, сувенир маҳсулотларинининг дизайни ва ишлаб чиқарилиши) фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш;
 - реклама фаолияти, миқдорлар буюртмаси бўйича реклама маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
- 2.4.** Жамият қонунчилиги билан таъқиқланмаган, ва Уставида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.
- 2.5.** Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари Жамият шундай лицензия олинганидан кейин амалга оширилади.
- 2.6.** Агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати қарорларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса Жамият қуйидагиларга ҳақли эмас:
- асосий фаолиятига хос бўлмаган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш;
 - рақобат ривожланган соҳада асосий фаолиятдан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш;
 - асосий фаолиятига хос бўлмаган хўжалик жамиятлари устав капиталида иштирок этиш ёки ундаги улушни сотиб олиш.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

3.2. Жамиятнинг устав фонди унинг мол – мулкнинг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди.

3.3. Жамият акцияларини сотиб олган ва акциядорлар реестрига киритилган ҳар бир шахс «акциядор» деб аталади ҳамда ушбу Уставдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

3.4. Жамият устав фондининг миқдори 50 965 327 140 (Эллик миллиард тўққиз юз олтмиш беш миллион уч юз йигирма етти минг бир юз қирқ) сўмни ташкил қилади ҳамда қуйидаги тартибда тақсимланади:

- Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги «InterForum» Давлат унитар корхонаси улуши – 81,73%, 41 652 847 670 сўм ёки 35 002 393 дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат;

- Бошқа юридик шахслар улуши – 18,27%, 9 312 479 470 сўм ёки 7 825 613 дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

3.5. Жамият устав фонди 42 828 006 (қирқ икки миллион саккиз юз йигирма саккиз минг олти) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларга бўлинади.

IV. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш

4.1. Жамият Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.2. Кўшимча акциялар Жамият томонидан Жамият Уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

4.3. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият Уставини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.4. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

4.5. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият Уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

4.6. Жамиятнинг Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш

4.7. Жамият Устав фондини акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.8. Жамият Устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтириш акциядорлар Умумий йиғилишининг тегишли қарори билан амалга оширилади.

4.9. Устав фондини камайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.10. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг Умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

4.11. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

V. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАР

5.1. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акциялардир.

5.2. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, акциядорлар Умумий йиғилишида қатнашиш ва Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

5.3. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – акциядор деб эътироф этилади.

5.4. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

5.5. Жамиятнинг қимматли қоғозларини чиқариш, рўйхатга олиш, жойлаштириш, ҳисоб – китоб қилиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, мазкур Устав ва қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

5.6. Жамият бир дона акциясининг номинал қиймати **1 190 (Бир минг бир юз тўқсон) сўми** ташкил этади.

5.7. Жамият томонидан акция ва бошқа қимматли қоғозларнинг жойлаштирилиши қуйидаги кўринишларда амалга оширилиши мумкин:

- қимматли қоғозларни хусусий йўсида жойлаштириш (оммавий эълонлар ва реклама компаниясини ўтказмасдан, аввалдан маълум бўлган сони чекланган инвесторлар ўртасида ёпиқ обуна);
- қимматли қоғозларни оммавий йўсида жойлаштириш (рекламадан фойдаланган ҳолда сони чекланмаган инвесторлар ўртасида очиқ обуна), бунда акциялар фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.

5.8. Жамият томонидан чиқарилган акцияларни жойлаштириш муддати уларни чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

5.9. Жамият акцияларининг жойлаштирилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шarti билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

5.11. Жамиятнинг эълон қилинган акциялари – Жамият Устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг сони **8 559 211 (саккиз миллион беш юз эллик тўққиз минг икки юз ўн бир)** дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиши;

- инвестиция воситачиси ва (ёки) Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсидаги депо ҳисобварағидан ўзига таалуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол – мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия – хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни учинчи шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш;
- Жамият акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш;
- акциядорлар овоз беришда ўз позицияларини шакллантириш мақсадида акциядорлик келишувларини тузишлари мумкин;
- беш фоиз миқдоридagi улушга эга бўлган Жамият акциядорлари асослар бўлган тақдирда, Жамият кузатув кенгашини бу ҳақда олдиндан хабардор қилган ҳолда Жамият фаолиятини текшириш учун Жамият ҳисобидан ташқи аудит ўтказишни ташаббус қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

Амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда акциядорлар – овоз берувчи акциялар эгалари Жамиятдан ўзларига тегишли бўлган акцияларнинг барчасини ёки бир қисмини сотиб олишини талаб қилишга ҳақли.

6.2. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

6.3. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

- мазкур Уставда кўзда тутилган тартибда, миқдорларда ва усулларда акциялар тўловини амалга ошириш;
- мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ўрнатилган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамият бошқарув органлари қарорларига қонунчилик доирасида бўйсиниш ва ижро этиш;
- Жамият фаолияти ҳақида махфий маълумотларни ошкор этмаслик;
- ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини хабардор қилиш;
- Миноритар акциядорлар Жамият ҳужжатларни асосиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўлаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслик.

6.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисоб варағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.

6.5. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

6.6. Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача Жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоиздан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифни ўттиз кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, Жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

VII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Жамият ўз Устав фондининг 15% (ўн беш фоиз) дан кам бўлмаган миқдорда заҳира фондини ташкил этади.

7.2. Жамиятнинг заҳира фонди унинг мазкур Уставда белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар ўтказиш йўли билан шакллантирилади. Жамият соф фойда қийматининг 5% миқдоридаги йиллик ажратмаларни заҳира фонди белгиланган миқдорга етгунга қадар амалга оширади.

7.3. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг заҳира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Заҳира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

7.4. Агар заҳира фонди қисман ёки тўлиқ сарфланган бўлса, йиллик ажратмалар тикланади.

7.5. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарори билан Жамиятнинг соф фойдаси ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан ажратмалар ўтказиш йўли билан, ривожлантириш ва инновация фонди тузилиши мумкин.

VIII. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

8.1. Жамиятнинг хўжалик фаолияти натижасида топилган даромади Жамият ихтиёрида қолади ва Жамият фаолиятига, уни кенгайтириш ва такомиллаштиришга боғлиқ харажатларни қоплашга, фондларни шакллантиришга ва Жамият акцияларига дивидендларни ҳисоблашга ишлатилади.

8.2. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Жамият эълон қилинган дивидендларни тўлашга мажбур.

8.3. Дивиденд акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Дивидендлар акциядорлар ўртасида уларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

8.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли, агар амалдаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса. Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

8.5. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

8.6. Дивидендлар Жамиятнинг ўз тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

8.7. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтимиш кундан кеч бўлмаслиги керак.

8.8. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

8.9. Жамиятга етказилган зарарлар, бундай зарарларни етказган шахслар томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда қопланади.

8.10. Жамият қуйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
- агар Жамият соф активларининг қиймати унинг Устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

8.11. Жамият тузилган шартномага мувофиқ Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

IX. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

9.1. Қуйидагилар Жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланадилар:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши – Жамиятнинг олий бошқарув органи;
- Кузатув кенгаши – Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи орган;
- Бошқарув – Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилувчи коллегиял ижроия органи;
- Ижроия органининг раҳбари – Бошқарув Раиси, Жамиятнинг кундалик фаолиятига тезкор раҳбарликни амалга оширади.

9.2. Қуйидагилар Жамиятнинг назорат қилувчи органлари ҳисобланадилар:

- Тафтиш комиссияси – Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилувчи орган (тафтиш комиссияси тузилган тақдирда).
- Жамиятнинг ички аудит хизмати – Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари, Жамиятнинг таркибига кирувчи корхоналар ишини назорат қилишни ва баҳолашни амалга оширади;
- Корпоратив маслаҳатчиси – Жамиятда корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш хизмати.

9.3. Миноритар акциядорлар қўмитаси – миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил қилинадиган орган (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда).

X. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

10.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

10.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) молия йили тугагандан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказиши шарт. Жамият акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши одатда ҳар йили июнь ойининг 01 санасидан 30 санасигача бўлган давр оралиғида ўтказилади.

10.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги, Жамият ижроия органи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш масалалари ва Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора – тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

10.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўяхати Жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

10.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.

10.7. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки унинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг сони ва таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Жамиятнинг Устав фондини камайтириш;
- ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- Жамият ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш, ёллаш), Жамият ижроия органини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади. Жамият Бошқаруви фаолияти тартибини белгилаб берувчи Низомни тасдиқлаш;
- Жамият Бошқаруви аъзоларини сайлаш (тайинлаш, ёллаш), уларнинг ваколат муддатини узайтириш, шунингдек, Бошқарув аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Жамият ижроия органини аъзоларини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади;
- Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;
- Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. Тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш. Дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг (тафтиш комиссияси тузилган тақдирда) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга

доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш.

Йиллик молиявий ҳисоботларни ХМҲСга ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилишга ўтишда малакали хизмат кўрсатиш учун аудиторлик ёки консалтинг ташкилоти жалб этиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес – режасини тасдиқлаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес – режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай Жамият Кузатув кенгаши томонидан маъқулланиши лозим;

- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8 ва 9 бобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

- хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдамнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес – жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамият ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш;

- «Ички назорат тўғрисида»ги, «Манфаатлар қарама – қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида»ги ва «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги Жамиятнинг ички Низомларини тасдиқлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц – алоқа тарзида ўтказиш имонияти ва шароитини яратиш;

- Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик кўмитасини таъминлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик кўмитаси тузилган тақдирда);

- Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг 5 йилдан ортиқ бўлган давр учун узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш;

- Жамият мансабдор шахсларига Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларига риоя этмаганлик ёки Кодексида назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик учун жавобгарлик чорасини ўрнатиш;

- қонунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.8. Мазкур Устав ва қонунчилик билан кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, акциядорлар Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига кирадиган масалалар ҳал этилиши учун Кузатув кенгашига берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

10.9. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори, агар Қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Мазкур Уставнинг 10.6. бандидаги иккинчи – тўртинчи, олтинчи, ўн бешинчи ва йигирманчи хатбошиларида кўрсатилган масалалари бўйича қарорлар, акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.10. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин **90 (тўқсон)** кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар ва соф фойдани тақсимлаш юзасидан таклифлар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгашига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Жамият Кузатув кенгашига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

10.11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

10.12. Жамият акциядорлар умумий йиғилишида акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи вакиллари Жамият Бошқарувини сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

10.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан **10 (ўн)** кундан кам ва **30 (ўттиз)** кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

10.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида **21** кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан **30** кун олдин Жамиятнинг расмий веб – сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10.15. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

10.16. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

10.17. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида **5** фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан **10** кун ичида Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

10.18. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин **10** кундан кечиктирмай **2** нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

10.19. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик ва Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида» ги Низоми ва «Санок комиссияси тўғрисида» ги Низоми билан тартибга солинади.

XI. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамият Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустаснодир.

11.2. Жамият Кузатув кенгаши Акциядорлар Умумий йиғилиши қарорларининг бажарилишини таъминлайди, Жамият ривожланиши ва фаолиятининг асосий йўналишлари стратегияси ва режаларини белгилайди ҳамда акциядорлар Умумий йиғилиши қарорлари, мазкур

Устав ва акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Кузатув кенгаши ҳақида»ги Низомда белгиланган ваколатлари доирасида иш юритади.

11.3. Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

11.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора – тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 65 – моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 59 – моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидан назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш, агар бундай масалаларни ҳал этиш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган бўлса;
- мол – мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- Жамият Бошқарув раиси ва аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, ҳамда уларнинг вазифаларини вақтинча бажарувчи шахсларни тайинлаш;
- корпоратив маслаҳатчинини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес – режасини маъқулланиш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган йиллик бизнес – режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва «Ички аудит хизмати тўғрисида» ги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтиш комиссияси тузилган тақдирда) тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- Жамиятнинг захира фонди ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очиб ва тугатиш, шунингдек Жамият филиаллари ва ваколатхоналари низомларини тасдиқлаш ва уларга ўзгаритириш ва қўшимчалар киритиш. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8 ва 9 бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- Жамиятнинг Устав фонди миқдорини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият Уставини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорларни қабул қилиш;
- қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш.
- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш шунингдек Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;
- ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартибини ва шартларини белгилаш (ушбу тартиб Жамиятнинг веб – сайтида ошқора этилишини таъминлаш);
- Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан кўмиталар ташкил этиш;
- «Ахборот сиёсати тўғрисида» ги Низомни тасдиқлаш;
- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиш юзасидан назорат қилиш;
- Жамият Бошқаруви, ички назорат органлари ва Жамиятда ташкил этилган коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, зарур бўлганда, Жамият ривожланиш режасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этиш;
- Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари лавозимларига танловлар регламенти тасдиқлаб, унда танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари уларнинг якуни бўйича янгича фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнлари баён этилади;
- йиллик молиявий ҳисоботларни ХМҲСга ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида эълон қилишга ўтишда малакали хизмат кўрсатиш учун аудиторлик ёки консалтинг ташкилоти жалб этиш. Бунда Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботлари ХМҲСга ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тарзда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилиниши Жамият Кузатув кенгаши томонидан назорат қилинади;
- Жамият томонидан асосий фаолиятига хос бўлмаган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш, ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- Жамиятнинг асосий (уставдаги) фаолияти билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган шўба хўжалик жамиятлари ҳамда филиаллари (ваколатхоналари) фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини хар чоракда кўриб чиқиш;
- Жамият томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги ҳисоботни хар чоракда кўриб чиқиш;
- Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодларни, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўриб чиқиш.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонунчилик ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.5. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг миқдор таркиби 7 (етти) кишидан иборат, бунда 1 (бир) киши кузатув кенгаши таркибига киритиладиган мустақил аъзо ҳисобланади.

11.6. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

11.7. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар, Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

11.8. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Жамият кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

11.9. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.

11.10. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг Раиси томонидан ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзоларининг, шунингдек Жамиятнинг 1 (бир) фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари талабига кўра чақирилади.

11.11. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум, Кузатув кенгашига сайланган аъзолар сонининг етмиш беш фоизини ташкил қилади.

Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур Уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоиздан кам бўлган тақдирда, Жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

11.12. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи қонунчиликда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

11.13. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришга ҳақли эмас.

11.14. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда ушбу Устав белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

11.15. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

11.16. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

11.17. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

11.18. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

11.19. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорлар Умумий йиғилишида тасдиқланган «Жамият Кузатув кенгаши тўғрисида» ги Низомида белгилаб қўйилади.

ХII. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИ (БОШҚАРУВ)

12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаришни Жамиятнинг ижроия органи – Жамият иштини ташкил қилувчи Бошқаруви амалга оширади.

12.2. Жамият ижроия органи Жамият акциядорлари Умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг қарорини бажарилишини ташкиллаштиради.

12.3. Жамият ижроия органининг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

12.4. Жамият Бошқаруви ушбу Уставга мувофиқ уч йил муддатга сайланадиган (тайинланадиган) 5 та аъзодан ташкил топади.

12.5. Жамият бошқарув раиси акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан уч йилга сайланади (тайинланади), бунда Жамият бошқарув раиси сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

Жамият бошқаруви аъзолари акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан уч йилга сайланади (тайинланади).

Сайлангандан (тайинлангандан) сўнг бошқарув раиси ва ҳар бир аъзоси билан тегишли лавозими бўйича вазифаларини бажаришга уч йил муддатли шартнома тузилади, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Жамият номидан шартнома Кузатув кенгаши раиси ёки Кузатув кенгаши томонидан ваколатланган шахс томонидан имзоланади.

Жамият бошқарув аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

12.6. Бошқарув аъзолари мазкур Устав, лавозим йўриқномалари, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, акциядорлар Умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг, бошқарувнинг қарорлари ва бошқарув раисининг кўрсатмалари билан белгиланадиган ваколатлар доирасида иш юритадилар.

12.7. Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқлари:

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;
- Жамият ходимларини рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш;
- Жамият ходимларидан Жамиятда ўрнатилган ички тартиб – қоидаларга амал қилишни талаб қилиш.

12.8. Бошқарув аъзоларининг мажбуриятлари:

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятни самарадор ва барқарор иш юритишини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятини бошқаришда иштирок этиш;
- акциядорлар Умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Бошқарувнинг қарорлари ижросини таъминлаш;
- Жамиятнинг бошқа локал ҳужжатларини тасдиқланишини таъминлаш.

12.9. Бошқарув ишига раис раҳбарлик қилади. Бошқарув раиси Жамиятнинг умумхўжалик ва молиявий фаолиятини таъминлаш, акциядорлар Умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг, бошқарувнинг қарорлари бажарилишини ташкиллаштириш, мазкур Устав, акциядорлар Умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши қарорлари ва «Жамият бошқаруви ҳақида»ги Низомга асосан белгиланган ваколатлари доирасида иш юритишга мажбур.

12.10. Бошқарув раиси ва аъзоларининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари «Жамият бошқаруви ҳақида»ги Низом ва улар билан имзоланадиган шартномаларда белгиланади.

12.11. Бошқарув Жамият фаолиятининг энг муҳим масалаларини ҳал этиш учун чақирилади. Бошқарув мажлисларининг ўтказилишини бошқарув раиси ташкиллаштиради. Бошқарув 4 кишидан кам бўлмаган ҳолда масалаларни ҳал этишга ҳуқуқлидир.

Бошқарув қарорлари мажлисда қатнашаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Мажлис натижалари қарор кўринишида қабул қилинади ва мажлисда қатнашаётган барча аъзолари томонидан имзоланади.

12.12. Бошқарувнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

- Жамият соф активлари қийматининг 15% гача бўлган миқдорини ташкил қилувчи мулкни Жамият томонидан олиш ва бошқа шахсга бериш битимларини амалга ошириш;
- Жамият мулкни ҳисобдан чиқариш;
- фойда ва харажатларнинг тасдиқланган сметалари доирасида мулкни сотиб олиш ва харажатларни амалга ошириш;
- Жамиятнинг локал ҳужжатларини тасдиқлаш;
- Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб – сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамиятнинг молия – хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг Кузатув Кенгаши ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиши;
- акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган бошқа масалалар.

12.13. Бошқарув раиси ваколатларига қуйидагилар киради:

- Жамиятнинг самарадор ва барқарор иш юритишини таъминлаган ҳолда кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалардан ташқари;
- акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари ижросини таъминлаш;
- Жамиятнинг шартмавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;
- Жамият фаолияти ва ижтимоий соҳа ривожланиши учун зарур бўлган даромад олишни таъминлаш;
- Жамиятнинг бизнес – режа ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш, ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш;
- Жамият фаолиятини юритишда қонунчилик талабларига риоя этишни таъминлаш;
- Жамият бошқаруви мажлисларини ўтказиш ва баённома (қарор) ларини имзолаш, Жамият номидан ҳужжатларни имзолашни ташкил этиш;
- Жамият Кузатув Кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очиш ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;
- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади, шунингдек шартма мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;
- штатларни белгилаш, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлаш;

- Жамиятга ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини риоя этилишини таъминлаш;
 - Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
 - Жамият таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик қилишини таъминлаш;
 - Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан унумли фойдаланиш чораларини кўриш;
 - Жамият ходимларининг малакасини ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали ошириш;
 - Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;
 - Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
 - Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
 - Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бошқаруви томонидан белгиланади, шунингдек хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;
 - Жамият шўба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
 - Жамият филиаллари ва ваколатхоналари штат жадвалларини тасдиқлаш;
 - Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;
 - филиал фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес – режаларини ва бажариш тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;
 - Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
 - ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг Умумий йиғилишига ва Жамият Кузатув Кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;
 - Жамият акциядорларининг Умумий йиғилишида ва Кузатув Кенгаши мажлисларида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилади;
 - манфаатлар қарама – қаршилиги юзага келиши тўғрисида кузатув кенгашини хабардор қилиш;
 - бизнес хатарлари ва Жамият Бошқаруви жавобгарлигини суғурталаш;
 - Жамият таркибига кирувчи ташкилотларнинг бошқарув органлари йиғилишларида ўзининг вакилларини Жамият номидан овоз бериш тартибини белгилаш;
 - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилади. Жамият Бошқарув раиси, қонунчилик, ушбу Устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- 12.14. Бошқарув ўз фаолиятида Жамият ривожланиши ва фаолиятининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, бизнес – режаларни, илғор технологияларни жорий қилиш, Жамият савдолари самарасини ошириш мақсадидаги «ноу – хау» ва кўшимча даромад олиш масалаларининг қўйилиши ва ҳал қилинишини кўзда тутмоғи лозим.
- 12.15. Жамият Бошқаруви ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.
- 12.16. Жамият Бошқарув раисини лавозимидан бўшатиш (ваколатини тугатиш) ҳақидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

12.17. Жамият Бошқарув аъзоларини лавозимидан бўшатиш (ваколатини тугатиш) ҳақидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

12.18. Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари томонидан ушбу Устав ва меҳнат шартномаси шартлари кўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес – режасининг тасдиқланган кўрсаткичларни бажарилиши бузилган ҳолларда ва унинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган зарари сабабли у билан тузилган меҳнат шартнома Жамият Кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

12.19. Агар Жамият бошқаруви томонидан йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида Жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда Жамият бошқарув аъзоларининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, Жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидияр жавобгар бўлади.

XIII. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ

а) Ички аудит хизмати

13.1. Жамиятнинг молиявий – хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув Кенгашига ҳисобдордир. Ички аудит хизмати аъзоларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

13.2. Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, мазкур Уставга ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб – таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди. Шунингдек ички аудит хизмати 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

13.3. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

б) Аудиторлик ташкилоти

13.4. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия – хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

13.5. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри яқун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

в) Корпоратив маслаҳатчи

13.6. Жамиятда корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи, Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этилади. Корпоратив маслаҳатчининг фаолияти Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

XIV. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

14.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартириш) ва тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида,

шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

14.2. Жамиятни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49 – 52 моддалари, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 92 – 97 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

14.3. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

14.4. Жамият куйидаги ҳолларда тугатилади:

- акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;
- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга асосан.

14.5. Жамиятни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53 – 56 моддалари, шунингдек «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 98 – 101 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

XV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

15.1. Агар мазкур Уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

15.2. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

15.3. Жамиятнинг ушбу Устави Давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Ҳокимияти Ягона дарча маркази томонидан 2022 йил 03 августда 001184 – 10 – сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган Жамият Устави ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

«Халқаро Ҳамкорлик Маркази»
акциядорлик жамияти Бошқарув раиси



Аббасова Ш.А.